

Рус аскарлари генерал Черняев бошчилигида Авлиёота томонидан ҳаракат қилаётган вақтда полковник Веревкин 1864 йил 22 майда Перовский фортидан (Ок-масжиддан) чиқиб, 8 июнда Корачик ва 9 июнда Туркистон шаҳри атрофидаги боғларга ўрнашади. Шаҳар баланд девор билан ўралган бўлиб, шимоли-шарқий томонида ҳарбий истехком бор эди. Рус манбасига кўра, калъада 1500 аскар ва курулланган оломон мудофаада турган. Ўша 9 июн куниёқ ватан химоячилари душманга қарши тўп ва милтиқлардан ўқ ёғдирганлар. Бу вақтда руслар 4-5 рота, 200 казак, 20 замбарак, 6 мортира, 2 ракета станогии билан жанг қилмоқда эдилар. Аммо ватан химоячилари мардонавор туриб душманга қарши жангни давом эттирдилар. 10 июн кечасига ўтар вақтда душман 8 батареяни шайлаб, тонг отганидан сунг калъани тинимсиз ўққа тутди. Оқибатда калъа ичида ёнгин чиқиб, ахволни оғирлаштиради. 11 июн кечаси душман калъага янада яқинлашиб, кўшимча батареяни ўрнатадилар. Соат ўн бирларда ватан химоячилари уч маротаба ҳужумга ўтиб, душманни анча гангитиб кўядилар, босқинчилардан уч киши ўлдирилиб, 25 киши жароҳатланади.

12 июнга ўтар кечаси калъага ҳужум давом этади. Лекин ватан химоячилари ўнг ва чап томондан ҳужум қилаверганлар. Натижада штабс-капитан Каховский ҳалок бўлади, 8 киши жароҳатланади. Айни бир пайтда ватан химоячиларидан жуда кўп кишилар шахид бўлдилар. Шунда руслар тўпларни Аҳмад Яссавий макбарасига тугрилаб, таслим бўлмасалар, уни ер билан яқсон этишларини шаҳар аҳлига маълум қилдилар. Туркистон аҳолисининг қахрамонона қураши, оз булса-да, маҳаллий манбаларда ҳам битиб қолдирилган: «Туркистон шаҳрининг ҳокими Мирза Давлат додхоҳ, — деб ёзади Мухаммад Солиҳ Тошкандий, — Туркистондаги Тошкент ва Дашти Кипчок жангчилари билан урушга тайергарлик кўриб, шаҳар калъасидан ташқарига чиқиб, руслар билан урушиб, иккинчи томондан, Тошкент ва Кўконга ахборот юбориб, ердам беришни илтимос қилиб, интизорлик чекиб урушни давом эттирдилар».

Ўша муаллиф ўз асарининг бошқа саҳифасида жанглар тафсилотини янада аниқроқ ёзиб, ватан химоячиларидан кўп кишилар ўлдирилганлиги ва тирик қолганлар шаҳардан қочиб кетганликларини уқдириб утади: «Туркистонни руслар қаттиқ камал қилиб, эрта тонгдан бошлаб руслар шаҳар калъасига ҳужум қилиб, шаҳар ичига бостириб қириб, маҳаллаларда кўп фуқароларни, навқарларни ва гозийларни ўлдирдилар. Тирик қолган гозийлар захмдор ва мажруҳларни ўзлари билан олиб Туркистондан Чимкентга ва бу ердан Тошкентга келдилар».

Аммо Аваз Мухаммад Аттор Хукандий воқеани биров бошқачароқ таърифлайди: «Бир неча минг ўрус ва кўпгина казак сарбозлари Окмасжиддан сўнг Ясси, яъни Туркистон шаҳрини муҳосара (камал) қила бошладилар. Бу ернинг ҳокими Мирза Давлат шижоат ва мардлик намунасини кўрсатди, ўз лашқари билан кофирлар ўрдусига қарши чиқиб, оғир жанг қила бошлади ва шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Аммо Мирза Давлат келиб кўрса, вилоятнинг қаллоб, қасофат ва бузгунчи кишилари олдиндан ўрусларга сотилиб, уларнинг хизматларида юрган эканлар. Улар вилоятни кофирларга тақдим қилиб, шаҳар дарвозасини мусулмонларга очмадилар. Улар калъа деворларини тешиб, кофирларни шаҳарга қуйган эканлар. (Мирза Давлат ўз сарбозлари билан) бу хиёнат хабарини эшитиб, афсус-надомат қилиб ўз жойига қайтди. Улар кечани бирнав ўтқазиб, эрта тонг билан Тошкент вилоятига йўл олдилар. Йўл-йўлақай Чимкентга қириб, мазкур Нормухаммадни кўрмасдан, Қорақамиш мавзеига етиб келдилар ва ҳазрат Миён Халил

Сохиб богига туш-дилар».

Рус манбаларида Туркистон атрофида Кўкон аскарлари билан отишма бўлганлиги кайд этилган.

1864 йил 12 июнда рус аскарлари Туркистон шахрини босиб олиб 4 замбарак, 117 милтик, 200 ггуд порох, 100 пуд кўргошин ва бошка нарсаларни ўлжа олганлар. Урушда руслардан 5 киши ўлдирилиб, 33 киши жароҳатланган. Руслар Туркистон шахрига 1495 снаряд, 43208 ўк отганлар. Бу — жанг дахшатли бўлганлигидан, кўп кишилар халок этилганлигидан далолат беради.

Аммо шаҳар катталари, хусусан шайхулислом Насрулло Исмоков, накиб эшон Алиакбархўжа Хонхўжаев, азизлар — Шарифхўжа Бекбетов, козикалон Отахўжа Бухоров, Кози Эшонхўжа Мазлумхўжаев, Кози Ботирхўжа Хўжабеков, аълам Абдушукур Кўрмонбеков, раис Гарибхўжа Афзалхўжаев, Аскархўжа Судурхонхўжаев ва бошка кишилар генерал Веревкин номига куйидаги мазмунда хат ёздилар: «Биз ўзимиз Кўкон хонлиги даврида Мирза Давлатнинг гайриконуний сикувлари ва зулмидан холи булиш учун шаҳар дарвозасини очдик ва ихтиерий равишда император олий хазратларига бўйсундик. Биз кўконликларнинг зулмидан ва зўравонликларидан ҳамда юз бераётган кимматчиликдан жуда кашшоклашдик, эҳтиёжимизнинг кондирилишига ниҳоятда мухтожмиз. Шу боис янги ҳукмдоримизга бахт-саодат тилаб куйидаги сўровларимизнинг инобатга олинишини илтижо қиламиз:

1. Хозиргача сакланиб келаётган барча ҳуқуқларимиз ва эҳтиёжларимиз ўз кучида қолдирилиб, ҳамма ишлар ислом дини доирасида амалга оширилсин, суд ҳам шариат асосида олиб борилсин.
2. Отамерос сифатида фойдаланилаётган ерлар, боғлар ва тегирмонлар ҳамда шаҳар ичида ва ташқарисидаги пулга сотиб олинган ерлар шахсий мулк ҳисобида саклансин.
3. Эндиликда Рус давлати тобелигига ўтганлигимизни ва камбағаллигимизни назарда тутиб, бизларни закот, хирож (бугдойдан), хонадонлардан ва жон бошидан олинадиган барча солиқлардан озод этилсин.
4. Харбий хизмат бизга татбиқ этилмасин, бошка барча давлат ишлари эса бажонидил бажарилади.
5. Биз хўжалар — Хазрат Султоннинг авлодлари қадим вақтлардан буён ва хонликлар даврида ҳам барча давлат солиқларидан озод этилган ҳолда ўзимизнинг еримизга, боғларимизга, тегирмонларимизга тўла эгаллик қилиб келганмиз. Бундан буён ҳам мазкур имтиёзлар қолдирилсин. Шунингдек, Ўртоқ ва Суяр сингари икки ариқ сувидан фойдаланишимизга ҳеч ким тўскинлик қилмасин».

Кўриниб турибдики, бир гуруҳ дин пешволари, биринчи навбатда, ўз имтиёзларини саклашга кўпроқ эътибор берганлар. Улар шу даражада нодонлик қилганларки, ислом динида бўла туриб «кофирлар» қўл остида яшашни афзал кўрганлар. Улар учун имтиёзлар сакланса, бас. Амалда эса, улар «ёмгирдан кутулиб корга тутилган» кишилар эди.

Бу вақтларда Туркистон шахрида 958 хонадон бўлиб, 10000 киши яшарди. Улардан 68

хонадон юкорида кайд этилган хўжа авлодларидан ва 22 хонадон татарлардан иборат эди. Шу боис хўжаларнинг генерал Веревкинга ёзган хати халк номидан эмас, балки бир гурух дин пешволарининг каламига мансуб эди. Туркистон музофотиغا Икон (200 хонадон), Чилич (150 хонадон), Бобой (20 хонадон), Карнок (160 хонадон) сингари кишлоклар кириб, шимолда Чу дарёси, гарбда Янгикўргон, жанубда Сирдарё ва шаркда Арис билан чегараланган эди. Туркистон атроф жойларида козок кабилалари истикомат килганлар. Хуллас, Туркистон Кўкон хонлиги хаётида хар жихатдан мухим ўрин эгаллаб, тобора кад ростлаб бораётган шахар эди. Афсуслар бўлсинки, бу азиз жой хам кўлдан бой берилди.

Авлиёота ва Туркистоннинг руслар томонидан босиб олинганлиги хакидаги хабар бутун хонлик халқини оёкка тургизди. Султон Саъидхон Кукондан «хамма касаба, вилоятларга фармон ва иноятномалар жўнатиб, ислом дини оркали таъкид ва тахдид кўрсатиб, кўшин йигишга киришди. Хон фармонини эшитиб хар томондан жасур аскарлар ва ботир сарбозлар тўпланишиб келдилар... Неча-неча манзиллардан ўтиб, жаноби хон (лашкари ила) Тошкентга келиб истикомат режасини тузди. Бир неча муддатдан кейин колган кўшин хам етиб келди. Сафар анжомларини камчилигини тўлдириб аста-секин рахшсифат саман жиловини мақсад томон тортдилар». Душманга карши зўр тайергарлик кўрилганлигини Мухаммад Солих Тошкандий хам таъкидлаб ўтган. Унинг сўзича, Султон Саъид Тошкентнинг Мингўрик деган жойига кўшин билан ўрнашган. Бу ерда тўп ва милтиклардан отиш бўйича хар куни машк ўтказилган. «Шундан кейин, — деб езади муаллиф, — уруш жихозларини отларга, араваларга ва туяларга юклаб, тонготар чоғда саф тортган жангчилар ҳукумат саройи олдидан ўтиб, Чимкент томон юрдилар.

Уларнинг оркасидан тўплар билан бирга Султон Саъидхон ва амири лашкар Мулла Олимкул бошлик саркардалар ва сардорлар хар бир махалла ва масжид олдидан тўхтаб, халқдан ва дин пешволаридан дуо ва фотиҳа олиб, бутун халқ кўлларини дуога кўтариб йиглаб, муллалар ваъзу насихат килиб, хаммани йиглатиб газога, урушга даъват этиб ташвикот юргиздилар».

Мазкур сатрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, Рус давлатининг тажовузига карши кураш умумхалқ ишига айланиб, ўз сафига аҳолининг барча тоифаларини тортди. Султон Саъидхон ва Олимкул бошчилигидаги кўшин ва халқ оломони Чимкент яқинидаги Шарафхона деган жойга ўрнашадилар. Бу вақтга келиб руслар Чимкентга яқинлашган эдилар. Черняев 6 пибда рота, 100 нафар казак, 10 замбарак, 2 ракета станогии ва умуман 1300 аскар билан йулга чикиб, 1864 йил 10 июлда Арис дареси екасидаги Ёкчисув деган жойга ўрнашади. Бу вақтда штабс-капитан Мейер 1,5 писда рота, 100 нафар казак, 2 тўп ва 2 ракета станогии ва хаммаси бўлиб 400 аскар билан ўша Арис даресининг бўйидаги Кораспаз номли ерга келади. 15 июлда эса, бу харбий қисм Чимкентдан 12 чакирим наридаги Окбулокка келиб жойлашади. Черняев старшина Катанаев бошчилигида 75 отлик ўкчи, 50 нафар казак ва 2 замбаракни хавф остида колган Мейерга ердам учун жўнатади. Аммо Катанаев аскарлари йўлда ватан химоячилари томонидан куршаб олиниб, жанг 5 соат давом этади. Унинг икки аскарлари халок бўлиб, учтаси жарохатланади.

Бу вақтда Олимкул бошчилигидаги аскарлар ва халқ кўнгиллилари Чимкент атрофига жойлашиб олган эди. Уларнинг бир қисми Катанаев кўшинига хужум килади. Черняев дархол йўлга чикиб огир ахволга тушиб колтан старшина Катанаев билан кўшилишга уринади. Бунга эришгач, у Чимкентдан 8 чакирим масофада жойлашган Олтинтепа кўргонига бориб жойлашади. Шунда карши томонда 6-9 минг атрофида ватан

хи-моячилари турганлиги хакида маълумот олади. Бошка маълумотларга кўра, улар сони 10-12 минг кишини ташкил этган. Маълум вақтдан кейин Лерх ва Мейер уз кўшинлари билан Олтинтепада Черняевга кўшиладилар. 1864 йилнинг 13 июлида капитан Мейер аскарлари Арис даресидан кечиб Окбулокка ўрнашгандан бир кун ўтиб, 14 июлнинг эрта тонгида ватан химоячилари рус аскарларини курсаб олиб, жангни бошлаб юбора-дилар. Икки томондан тўп ва милтиклардан ўқлар ёғдирилиб, жанг 16 июлнинг эрталабигача давом этади. Унга Олимкул бошчилик килди. Солих Тошкандийнинг ёзишича, оддиндан белгилаб кўйилган тартибга кўра, Мингбой Кипчок баходир бошчилигидаги аскарлар жангни бошлаб берган. Ундан кейин Мирза Давлат кўмондонлигида тошкентликлар, сўнгра Хўжанд хокими Мирза Ахмад кушбеги йигитлари майдонга отилиб чикканлар. Сўнгра бирин-кетин Маргилон, Кўкон, Андижон, Ўш, Наманган навкарлари жангга киришганлар. Харбий сардорлар орасида эшони Калонхўжа судур, Муминхўжа судур, Мирбобо понсодбоши, Аваз Мухаммадбий ва бошка жасур кишилар бор эди. Жанг майдонида дин пешволари, олиму фозиллар ва бошка нуфузли кишилар Ватан оддидаги ўз бурчларини адо этиб, кишиларни рухлантириб турганлар. Бу хусусда ва, умуман, жанг хакида Мухаммад Солих Тошкандий шундай бзади: «Ўрусларни пасткам ерда чашма ёнида мужохидлар тўрт тарафдан камал килдилар. Бир кеча-кундуз тўплардан ва милтиклардан отишма бўдди. Шундан кейин уламолар ва фозиллар навкарлар, жангчилар ва йигитлар орасида юриб, пайгамбар хадисларидан гапиришиб жиход ва газотга чакирдилар, зафар ва муваффакиятлар тиладилар.

Лашкарбоши Мулла Олимкул мужохидларнинг хар бирининг кўнглини кўтариб, хаммани отдан тушиб хужумга ўтишга фармон берди. Шу равишда карнайлар садоси остида тўрт томондан ўрусларга карши хужум килинди. Ўша онда хозир бўлган кишиларнинг сўзларига кўра, мужохидлар 2-3 минг кадамгача олга чопдилар, аммо икки томон ўртасида бир ярим минг кадам жой колганда ўруслар замбарак ва милтиклардан шундай каттик ўк етдирдиларки, бирданига 12 минг киши жанг майдонида ўлдирилди ва жарохатлантиридди». Шундан кейин рус кушини бошлиги Мейер урушни тўхтатишни ва ўликларни хамда ярадрларни майдондан олишни таклиф этди. Бундан мақсад Мейернинг ўзи бошлиқларига берган рапортига кўра, камайган ўк-дориларни тежашдан ва вақтни ютишдан иборат бўлган. Унинг таклифи магзини чакмаган Олимкул дархол рози бўлиб, майдондан ўликлар хамда ярадорлар олинган. Шу фурсатдан фойдаланиб капитан Мейер аскарлари билан жуфтакни ростлаб колган. Вахоланки, Олимкул жангни тўхтовсиз давом эттираверганда душманни тамомила тор-мор этиб, анча курол-аслахани кўлга киритган булур эди.

Капитан Мейер оркага чекинаётганда йўлда подполковник Лерх кўшинини учратиб унга кўшилади.

Жангларда 10-12 минг кишилик ватан химоячиларидан, бир маълумотга кўра, 2000, иккинчиси бўйича 3000 киши ўлдирилган. Аммо Солих Тошкандий айтганидек, ўлганлар сонини бир неча минг ошиб килиб кўрсатган. Хар холда ўлганларнинг сони кўп бўлган. Руслардан эса 13 киши ўлдирилган ва 67 киши жарохатланган. Рус кўшини жангда 210 ядро, 19 жанговар ракета ва 25.319 дона милтик ўки ишлатди. Хуллас, Ватан химоячилари душман устидан галабага эришадилар. Аммо рус харбий бошлиқлари бу маглубиятни очик-ойдин ёзмай, соддатлар Авлиёота ва Туркистонга кайтдилар, деб силликина равишда таъкидлаганлар, холос. Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий Чимкент остонасидаги жангни ва галабани шундай тасвирлайди: Ватан химоячилари «бор куч-кудратлари билан динимиз душманларига карши урушайлик ва зарба берайлик,

шоядки, кофирларга кимлигимизни кўрсатсак, деган қарорга келишди... Мулла Олимкул эшикоғаси кўлига зафар жиловини олиб, икбол остонасига кадам куйди, шарафи эса осмон авжига етиб, фатху зафар учун аскарларга ишорат килди... Икки томондан ҳам харб ногораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс-садо берарди. Довул садоси, ешу қари фарёди аршдаги малак қулогини ҳам қар килди. Газабнок суворийлар ва шиддаткор йигитлар душман томон ҳамла килдилар. Омонлик товуси оромини йўқотиб зогга ўхшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз килиб, рух қушини сайд этарди. Катл олови шундай ёниб кетдики, осмон токига етарди, уруш шуъласининг таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар уз жонларидан кечиб, ширин хаётни унутиб бахордаги чакмок камишзорга ургандек, курашга ташландилар. Хусусан, ахли ислом кофирларни каттик жазоладилар, уларни жило тиги билан уриб, шижоат ўқини отиб, бошларини танидан жудо килиб ташладилар. Кўп қушойишлардан сўнг зафар насими Оллох инояти ила мусулмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупрогини ховучлаб сепди ва уларни шарманда килди. Ўруслар тез орада омонлик сураб мусулмонлар олдида тиз чўкиб бош кўйдилар».

Манбаларда кўрсатилишича, ватан химоячилари ажойиб галабани кўлга киритгандан сўнг душман томонидан Олимкул хузурига Северцев деган киши элчи сифатида келган. Афсуски, бу элчининг фаолияти рус манбаларида ўз аксини топмаган. Генерал Черняевнинг сўзича, аввал гуё Олимкул элчи юборган, бунга жавобан эса Северцев жунатилган. Менингча, голиб томон хар қандай шароитда душман хузурига элчи юбориб сулх тузишни сўраб бошини эгмайди. Буни Олимкулнинг Северцевдан Авлиёота ва Туркистоннинг Кўкон хонлигига кайтариллиши хақидаги талаби ҳам тасдиқлайди. Рус элчиси хақида бирмунча тўларок маълумот Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий асарида мавжуд. «Кўп ўрус кофирлар, — дейилади унда, — бошланг, қулоқларини кўлга олиб, кўркиб узр сўраш учун Мулла Олимкул сардор хузурига келдилар. Совга-саломларини тортик этиб, душманлик ва адоват руҳидаги калималарни унутиб, улар ўз максадларини баен қилишди. Мусулмонлар сулх васикасига имзо кўюб, ўруслардан икки лак микдорида Россия тиллосида пул талаб қилишди, бу эса Хўканди латифнинг 225 минг бир мисколли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини ҳам кайтариб беришга рози бўлишди. (Ўруслар) рухсат олиб ўз қўшинларига кайтиб кетишди».

Рус элчисининг келганлигини Мухаммад Солих Тошкандий ҳам ўз асарида кўрсатиб утган. Чунончи, «ўруслар томонидан, — дейди у, — бир элчи хайъати келиб ахду паймонлар килиб, Султон Саъидхон оддида ўз шартларини изхор қилиш макседида амири лашкар Мулла Олимкулга совга сифатида тўн келтирдилар ва жавобга мунтазир бўлиб турдилар».

Олимкул тошкентлик Юнусхон шиговулга сардорлар, кабила бошлиқлари ва бошка нуфузли кишиларни тўплашни буюрган. Шундан кейин рус элчиси билан тинчлик сулҳини тузиш масаласи бўйича муҳокама ўтказилиб, бир гуруҳ "кишилар сулх тузишни ёқлаб, бошкалар, хусусан, тошкентликлар уни кўзбўямачилик ва алдаш учун қилинаётганлигини айтиб, рус аскарларининг орқага дархол қайтишини талаб этишни сўрадилар. Бу фикр қувватланди ва элчилар Туркистонга кайтдилар.

Умуман айтганда, рус элчиси Северцевнинг фаолиятига доир кўлимиздаги маълумотлар етарли бўлмай, бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Бу масала келажакда кўшимча маълумотлар асосида ўрганилиши лозим. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, рус харбий саркардалари мағлубиятга учраб танг ахволга тушганликлари учун элчи юбориб,

голиблар нима талаб кўйсалар шуни қабул қилганлар ва фурсатдан фойдаланиб тамомила тор-мор этилишдан сакланиб қолганлар. Айниқса, рус аскарларида ўқ-дори жуда оз қолиши катта хавф тугдирган эди.

Чимкент остонасидаги галаба тезда хонликнинг кўп жойларига маълум бўлиб, у том маънодаги байрамга айланди. Бу хусусда Аваз Мухаммад Аттор Хўқандий шундай езади: «Мулла Олимкул сардор бу фарахбахш хабарларни (галабаларни) вилоят ва музофотларга тарқатиб чиқди. Сагиру қабир ва ганию шариф ҳамма жойда бир ҳафта хурсандчилик қилиб, бир-бирларига суюнчи берардилар».

Аммо галаба байрами узокка чўзилмади. Черняев, Мейер ва Лерх бошчилигидаги кўшинлар бирлашиб, 1864 йилни 22 июлида Окбулокка ўрнашдилар. Сўнгра улар Чимкент шаҳри томон юриш бошлайдилар. Уларни 15-18 минг атрофидаги ватан химоячилари қуршаб олади. Бу воқеа Чимкент қалъасининг ташқари томонидаги Жинон қабристонига содир бўлган. Аммо бу ердаги жанглар рус ҳарбийлари ахборотида гўе ҳеч нарса бўлмагандек тарзда ёзилган. Шубҳасиз, мағлубиятни яшириш мақсадида шундай қилинган, албатта. Аслида ватан химоячилари бу галги урушда ҳам жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатиб, ажойиб галабага эришдилар. Бу жангнинг тафсилоти Мухаммад Солих Тошқандий асарида ҳам ўз ўрнини топган: «Мингбой Баходир биринчи фотихани олиб қипчок қабиласи йигитлари билан ўруслар йўлини тўсиб, урушга ҳозирланди. Иккинчи тарафдан тошкентлик жангчилар уруш майдонида пайдо бўддилар. Шу ҳолда Мирза Аҳмадбек қушбеги бошчилигидаги Хўқанд навқарлари урушга қиришдилар. Хўқандлик, маргилонлик, андижонлик ва наманганлик сарбозлар амири лашқар Мулла Олимкул кўмондонлигида Жинон қабристонининг бир томонида жанг қилдилар. Бу ерда қилич ва найзабозлик билан ёқама-ёқа ушлашиб шундай қиргин бўлдики, ўликлардан тепалар ҳосил бўлди. Жангда Мингбой Қипчок от устида қилич билан у ёқдан бу ёққа чопиб душманлар қалласини танасидан жудо қилди. Аммо унинг ўзи ҳам душман уқидан ҳалок бўлди. Хуллас, қун ботгунча тўхтовсиз уруш бўлиб, ўруслар охири қидай олмай орқага қайтиб Авлиёотага чекиндилар».

Ватан химоячилари бу иккинчи даҳшатли урушда ҳам қахрамонона равишда қурашиб таҳсинларга сазовор бўлганлар. Ҳатто улар чекинаётган душман орқасидан қувлаб борганлар. Бу ҳақда Аваз Мухаммад Аттор Хўқандийнинг маълумоти диққатга сазовордир: «Сафар ойининг чоршанба, йигирма иккинчи қунида (28 июлда) бир неча минг қофир ўз «гўрхона»ларидан тўсатдан чиқиб, ислом лашқарини писанд қилмасдан, уларга тўпу тўфангдан ўқ отиб, Чимкент қалъаси томон йўлга тушдилар. Қамози талигача етиб келиб, шу ердан шаҳар қалъасини тўпга тутиб, шундай уруш қилдиларки, (қўрган) одамнинг журъати ваҳимага тушиб, хайратдан гунг ва лол бўлди. Мулла Олимкул сардор жаноблари ҳар бир паҳлавон гуруҳини ҳар жойга тайинлаб, Мингбой қушбегини ўзини орқасига жойлаштирди. Мулла Олимкул эшиқогасининг ўзи бир неча душман билан урушарди...

Алқисса, икки томон ҳам шу ҳатарли ҳамда хавфли жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан қаттиқ олишди. Фаргона қўшини эртадан кечгача муҳораба қилди... Охирида зафар шамоли Фаргона томон эси ва қофирлар тор-мор бўлиб, қочишга ихтиёр қилдилар». Мазкур сатрлар муаллифи уруш майдонида Мингбой қушбегининг ўқдан ўлганлигини ва ватан химоячиларининг «шеру йўлбарсдек ҳамла қилиб» рус солдатларининг орқасидан таъқиб этганликларини ва улар билан жангга қирганликларини ҳам баён этган.

Рус ҳарбий бошлиқларининг тан олишича, тўп ва милтиқлардан мўлжалга уришда ватан

химоячилари анча юкори даражага кўтарилган ҳамда Кўкон кўшинида бир хил чиройли харбий кийимдаги 500 кишилик гвардия кисми ташкил топган. Бу гвардиячилар ўзларининг жанговар махорати ва кийими билан рус солдатларида яхши таассурот колдирган. Хатто генерал Черняев Кўкон артиллериясининг тобора такомиллашиб бораётганидан безовталаниб, агар тез орада хонлик тор-мор этилмаса, кейин унга бас келишнинг иложи бўлмаслигини ҳукумат вакилларига маълум килган. Гарчанд Кўкон хонлигида харбий сохада силжиш кўзга ташланиб, галабага эришилган бўлса-да, лекин йўл кўйилган катта хатолар ёмон окибатларга олиб келди. Аввало Олимкул хаддан ташкари кўполлик ва зўравонлик билан иш юритиб бир бахона билан тажрибали саркардаларни ўлдирган. Масалан, у Ниёзали понсод-бошини Авлиёотани руслардан саклаб коллмаганлиги учун тўпнинг огзига бойлаб оттирган. Вахоланки, Авлиёота уруши вақтида унга ҳеч қандай ердам кўрсатилмаган эди. Шунингдек, турли айблар кўйилиб, Султон Махмудтўра, Улугжонтўра, Нормухаммад кушбеги, Мухаммад Назарбек парвоначи ва бошқалар ўлимга махкум килинган.

Олимкулнинг, айникса, козокларга нисбатан юргизган сиёсати вазиятни янада кескинлаштирганди. У энг обрўли козок бийларидан хисобланган Бойзокбийга кўпчилик ҳузурида «Бойзок, сен аввалдан ислом аскарига закот берар эдинг, нега энди бизга бермай, Русияга бердинг?» деганда, Бойзокбий амири лашкарга: «Таксир, мен бир юз йигирма бийнинг отасиман, буларга яйлов керак, деб, «Русиядан 25 чакирим ерни ижарага олганман, унинг ижарасини бераман, сизга эса закот бераман», деганда, амири лашкар: «Сен икки марта аҳд килдинг, яна буздинг» деб, «Шуни замбаракка солиб откил», дея тўпчига фармон берибди. Шунда Бойзок чол қари киши бўлиб ёши юздан ўтган экан, деб-ди: «Хой, амири лашкар, мени бундай килма, кўзимни кўр қилиб, Хўқандга жубор, мен Русияга даф бўламан, мени хабарим болаларим ва бийларимга етса, сенга ёв бўлурлар, Русияни сенга бошлаб келурлар, хар қалай, мени ўлдирма» деса, амири лашкар кулок солмай, «Кафил хат берайин» деса ҳам қабул қилмай, охири кўп порохни замбаракка солиб, кичкина одам экан, ёнига икки бог курук беда тикиб оттирибди. Уни танаси осмонда парчаланиб «на улуги ва на суяги ҳам кўрин-мабди». Бу дахшатли фожеа бутун козок элининг Кўкон хонлигига нисбатан қаҳр-газабини уйғотиб, Бойзок-бийнинг икки ўгли отаси қасдини олишга аҳд қилиб ҳамда тўда-тўда бўлиб русларнинг харбий юришларига қўлларидан келганча мадад ва ёрдам берганлар. Шунинг учун ҳам Мулла Олим Махдумхожи бу килмишни коралаб: «Мулла Олимкул бир неча кун Чимкентда туриб, козокиянинг энг улуг ва эътиборли одамларидин Бойзок додхохни тўпга бойлаб, отиб ўлдуриб, бир неча сартия ва элатия саркардаларини отиб ўлдириб, ўзига ёмон ном олиб, душман устига душманни кўпайтирди», деб езданди. Вазият нозик ва хатарли бўлиб турган бир пайтда ички ва ташки тарафда душманнинг кўпайтирилиши, меъеридан ортик зўравонлик Рус давлатига жуда қўл келганди. Шунингдек, Султон Саъидхон ва Олимкулнинг энг катта хатоси шундан иборат бўлдики, улар барча харбий кучларни Чимкентга жалб қилиш ва шу ерда бош-кош бўлиб туриш ўрнига Тошкентга ва бу ердан Кўконга кетиб қолишди. Гарчанд улар кўшиннинг муайян кисми ҳамда 40 тўпни колдириб, Чимкент қалъасини мустаҳкамлашни хоким Мирза Ахмад кушбегига топширган бўлсалар-да, лекин иш ниҳоясига етмасданок рус аскарлари келаётганлиги хақида хабар олинади. Бу вақтга келиб рус ҳукумати Туркистон, Авлиёота, Марки ва Тўқмоқни ўз ичига олган Кўкон чизигини ташкил қилиб, унга генерал Черняев кўмондон этиб тайинланган эди. Бу линия Гарбий Сибир генерал-губернаторлигига бўйсундирилди.

Ўта шухратпарастлик ва манманликка берилган генерал Черняев ўзбек хонликларини шиддат билан эгаллаш тарафдори бўлган. У кўп холларда, бошликлари билан келишмасдан ҳам ўзбошимчалик билан харбий юришлар уюштирган. Масалан, у Чимкентни дархол босиб олиш лозим, деб бошликлари рухсатсиз харбий юришни бошлаб юборади. У 10 пиеда рота, 200 нафар казак, 12 тўп, 5 мортира, 1000 кишилик козок милиционерлари қисмлари билан Туркистондан чиқиб, 1864 йил 18 сентябрда Чимкентга яқинлашади. Бу харбий қисмда подполковник Лерх бошчилигидаги аскарлар ва харбий техника ҳам бор эди. 1864 йил 19 сентябрда рус аскарлари Чимкент атрофида жойлашиб, тайёргарлик ишларини олиб борди. 20 сентябр эрталабдан бошлаб душман шаҳар калъасини ўққа тутиши билан жанг бошланиб кетади. Бутун 21 сентябр куни давомида икки томон ўртасида уруш давом этган. 22 сентябр эрталаб душман кучлари шаҳарга бостириб қирадилар ва калъани эгаллайдилар.

Мухаммад Солих Тошкандийнинг ёзишича, Чимкентдаги ватан химоячилари ва рус аскарлари ўртасидаги олишув аёвсиз кечган. Аммо Мирза Ахмад кушбегининг бир гуруҳ кишилар билан Тошкентга кочиб кетиши мудофаанинг сусайишига олиб келган. Руслар шаҳар ичига бостириб киргандан кейин кўлга тушган одамларни ўлдираверганлари орқасида «мурдалар тўп-тўп бўлиб» етган. Бунга шаҳар аҳолининг душманга қарши қаттиқ жанг қилганлиги ҳам сабаб бўлган. «Икки томон ҳам саъй-ҳаракат ила қамоли қахрамонлик кўрсатиб, сабту қарор қадамини босиб, бир-бирлари билан жанг қилдилар... Пиеда ислом лашкарлари имкон қадар кофирларга қарши қурашиб, муродсизликдан тушкунликка тушган холда нобакорлар ўқидан халок бўлавердилар...» Рус аскарлари қари-ёшга қарамай хонадонларга бостириб кириб, шафқатсизларча кишилар қалласини танасидан жудо қилганлар. Шу равишда шаҳар қонга беланган ва бойликлар таланган. Бу тўғрида рус муаллифи шундай ёзганди: «Чимкент генерал Черняевнинг ҳужуми орқасида Рус давлати қўлига ўтди. Қиргин-барот ниҳоятда шафқатсизларча олиб борилиб, солдатлар бозорни таладилар ҳамда хонадонларга кириб кишиларни бўғдилар. Шунингдек, кўп аёллар ва болалар қаттиқ азоб чекдилар. Жамоа аҳли ўша вақтдаги қиргин-баротлар йиллигини қатта мотам ва дод-фаред билан нишонлайдилар. Бунинг учун улар кофирларям жа-золашга, яъни ўч олишга тайёрдирлар. Леки бунга имконлари йўқ. Чунки улардан қурол-аслаҳалар тортиб олинган».

Босқинчилардан ҳужум вақтида 2 киши халок бўлиб, 36 киши жароҳатланган. Улар кўплаб қурол-аслаҳа ва турли-туман бойликларни ўлжага оддилар. Чимкент ҳам қонли жанглар ва қурбонлар эвазига Рус давлати томонидан босиб олинди. Рус харбий маъмурияти Сидик Назар додхоҳни Чимкент шаҳри мингбошиси қилиб тайинлайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Рус давлати тажовузига қарши қурашларда айрим козок ботирлари ўзбекларга брдам қўлини чўзганликлари маълум. Масалан, машҳур козок ватанпарвари Кенесари Қосимовнинг ўғли Содик 120 кишилик йигитлари билан ёрдамга келиб, Туркистонда рус аскарларига қарши жанг қилган. У даставвал Рус давлати тобелигида бўлиб, қариндош-уруғлари билан Окмасжидда яшаган. Сўнгра Рус давлатининг ҳукмронлигидан ва тажовузларидан норози бўлиб, Қўқон хонлиги тарафига ўтди.

Содик Кенесари ўғли Чимкент атрофларида генерал Черняев бошчилигидаги тажовузга қарши ўзбеклар билан қўлни-қўлга бериб жанг қилиб, бу ерда қўлга қиритилган галабага салмоқли ҳисса қўшган. У жангда халок бўлган мохир лашкарбоши ва Олимкулнинг ўнг қўли Мингбой ўрнига тайинланган эди. Душман Чимкент калъасини қуршаб, ҳужум



килган вақтда Содик Кўкон отликларига бошчилик килган. У кейинги озодлик курашларида ҳам ўзбеклар билан биргаликда фаол катнашди. Бу тўғрида сўз ўз ўрнида айтилади.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши рус харбий саркардалари ва солдатларининг боскинчилик иштахасини янада очиб юборганди. Эндиликда минтаканинг энг катта ва бой шаҳарларидан булмиш Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилганди.

Хамид Зиёев